



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 30-oktabr • Shanba • 126 (31.246) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan  
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган мажлисда Президентимиз Исроҳ Каримов раҳнамолигида ўтказилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислохотларнинг пировард мақсади халқимизнинг турмуш даражасини янада юксалтиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа манфаатларини янада самаралироқ таъминлашга қаратилгани ва амалда ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқида ҳам ушбу йўналишда юртимизда амалга оширилаётган ишлар чукр таҳлил этилди. Мазкур маъруза ушбу анжуманда ва нуфузли халқаро доираларда кенг эътирофга са-

зор бўлди. Мамлакатимиз мустақил ривожланиш йилларида янги ва улкан марраларни қўлга киритиб, жаҳон ҳам-жамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Жаҳон соҳибқиринли-иқтисодий инқирозининг таъсирларига қарамай, Ўзбекистон дунёдаги кам сонли давлатлар қаторида иқтисодийнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминламоқда.

Юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Айниқса, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)



## Кучли фуқаролик жамияти

оммавий ахборот воситаларининг фаол иштироки орқали шаклланади

Аввал хабар берганимиздек, 27-28 октябрь кунлари Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида халқаро конференция бўлиб ўтди. «Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини ошириш масалалари» мавзусидаги бу анжуманда Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Россия, Германия, Буюк Британия, Украина, Ҳиндистон, Покистон каби мамлакатлардан мутахассислар, халқаро экспертлар, шунингдек, республикамиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ва ходимлари, жамоат ташкилотлари экспертлари иштирок этди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорликда ташкил этган мазкур анжуман оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда уларнинг мавқеини кучайтиришга қаратилди.

Конференцияда Ўзбекистонда ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий асослари, давлат тузилмалари ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабатлари, интернет журналистикаси ривожланишининг бугунги босқичи ва истиқболлари, сўз эркинлиги ва фуқаролик масъулияти, партия матбуотининг ривожланиш тенденциялари, унинг жамиятда сиёсий ва электорал маданиятни ривожлантиришдаги ўрни, партия мат-

буотининг муҳим вазифалари: фикрлар хилма-хиллиги ва ғоялар кураши, журналист кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш, журналистларни қайта тайёрлаш, уларнинг профессионал маҳоратини ошириш, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, ОАВ учун ижодий ва инженер-техник ходимлар тайёрлаш, фуқаролик жамияти барпо этишда оммавий ахборот воситаларининг роли каби масалалар муҳокама этилди.

Таъкидландики, Ўзбекистонда кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш шариоитида оммавий ахборот воситаларининг ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Мавжуд қонунлар ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатиш ҳамда сўз эркинлигини кафолатлайди. Шундан келиб чиқиб, журналистика соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни янада кучайтириш, ихтисослашувни тезлаштириш лозим.

→2

## ЎзХДП: депутатлик гуруҳлари фаолиятдан


### Амалий ташаббус ва таклиф

электорат манфаатиغا хизмат қилади

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашида ЎзХДПнинг 20 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 163 нафар депутати фаолият кўрсатмоқда. Яқинда халқ депутатлари туман Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан вилоят Кенгаши доимий комиссиялари Марҳамат, Булоқбоши, Бўз туманларида халқ истеъмоли моллари ишлаб

чиқаришни яхшилаш масаласини ўрганиб чиқди. Шунингдек, Асака шаҳар, Олтинқўл, Хўжабод, Жалакудук туман Кенгашлари «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ҳамда 2010 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг бажарилишини мониторинг қилди.

→2



## Шаҳарлар ва тақдирлар

### Жайхун жавоҳири

ёки мустақиллик йилларида Нукус шаҳрида амалга оширилган беқиёс бунёдкорликлар ҳақида

Археологларнинг таъкидлашича, ҳозирги Нукус шаҳри ўрнида қадимий Хоразм давлатининг шимол-ғарбидagi истеҳком қалъаси бўлган, у чегарани қўриқловчи ва Амударё орқали сув йўли алоқасини назоратлаш олувчи қўрғон вазифасини бажарган.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, истиқлол йилларида том маънода миллий ва замонавий шаҳарсозлик намуналарини ўзида уйғунлаштирган Нукус шаҳри кун сайин кўркемлашиб, яшарлиб, янгилашиб бормоқда. Утган давр мобайнида бу ерда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳар қандай инсонни ҳайратга солади. Зеро, яқин-яқинларгача Нукус шаҳри туман марказидан деярли фарқ қилмас эди.

→3

## ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан

### Энг муҳим вазифамиз

ўйил-қизларни билимли ва хушахлоқ этиб тарбиялашдир

Инсон ҳамиша эртанги кунни бугунидан файзли бўлишини, орзу-ҳаваслари рўйбга чиқишини истаб яшайди. Мен қўрмагани фарзандларим кўрсин, дейди. Ҳаётимиз мазмуни келажак авлоднинг баркамол бўлиб вояга етиши билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис ҳам қабул қилинаётган кўпгина қонунларимиз бевосита ёшлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

«Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид Давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, йилларимизнинг «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Баркамол авлод йили» дея аталгани ва бутун мамлакатда шу йўналишга диққат-эътибор қаратиши, ёш авлод учун янги ва замонавий таълим, санъат ва спорт иншоотлари бунёд этилиши шундан далolat, албатта.

→2



## Эътироф

Ўзбекистон замини ислом ва жаҳон илм-фани ҳамда тамаддуни равнақиға улкан ҳисса қўшган буюк олимлар ва давлат арбоблари туғилгани ва камол топгани билан муқаддасдир... Ўзбекистонга ташрифимиздан кўзланган мақсад — ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги имкониятларини очишдан иборат. Шу ўринда биз мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз... Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг бугунги суръатидан келиб чиққан ҳолда шунини комил ишонч билан айтишим мумкинки, яқин келажақда мамлакатингиз дунёнинг саноати ривожланган давлатларидан бирга айланади.

Шаҳзода Холид бин Сауд бин Холид Ол САУД (Саудия Арабистони)

Мамлакатингизга илк сафарим ниҳоятда мазмунли ўтмоқда. Қадимий Тошкент ҳақиқатан ҳам таҳсинга муносиб эканига амин бўлдим. Ўзбек халқининг ғоят меҳмондўст эканини кўрдим. Қўллаб-мамкалатларга борганим, лекин бундай ширинсўз, саховатли инсонларни кам учратганим.

Чой Ках КИИ, (Сингапур)

## ОБ-ҲАВО 30-31.10.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀️ 21°C	☀️ 23°C
Самарқанд	☀️ 20°C	☀️ 22°C
Нукус	☀️ 18°C	☀️ 20°C
Қарши	☀️ 21°C	☀️ 24°C
Урганч	☀️ 19°C	☀️ 21°C
Навоий	☀️ 19°C	☀️ 21°C
Фарғона	☀️ 19°C	☀️ 21°C
Бухоро	☀️ 19°C	☀️ 21°C
Андижон	☀️ 19°C	☀️ 21°C
Наманган	☀️ 19°C	☀️ 21°C
Термиз	☀️ 22°C	☀️ 24°C
Жиззах	☀️ 20°C	☀️ 21°C
Гулистон	☀️ 20°C	☀️ 21°C
Тошкент вил.	☀️ 20°C	☀️ 21°C
Лондон	☀️ 12°C	☀️ 10°C
Париж	☀️ 10°C	☀️ 9°C
Москва	☀️ 5°C	☀️ 4°C
Мадрид	☀️ 10°C	☀️ 7°C
Пекин	☀️ 14°C	☀️ 12°C
Гонконг	☀️ 18°C	☀️ 17°C
Рим	☀️ 12°C	☀️ 10°C
Анкара	☀️ 10°C	☀️ 11°C
Токио	☀️ 12°C	☀️ 14°C
Стокгольм	☀️ 6°C	☀️ 3°C
Кейптаун	☀️ 17°C	☀️ 17°C
Кюффа	☀️ 16°C	☀️ 14°C
Гавана	☀️ 25°C	☀️ 24°C
Вашингтон	☀️ 10°C	☀️ 17°C

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIIY BANKINING 2010 ЙИЛ 26 ОКТАБРАДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙММАТИ

1 Австралия доллари	1614,27	1 Миср фунти	282,44	1 СДР	2554,30	10 Жанубий Корея вонни	14,57
1 Англия фунт стерлинги	2560,12	1 Канада доллари	1592,23	1 Туркия лираси	1148,92	1 Япония йенаси	200,63
1 БАА дирхами	442,86	1 Хитой юани	244,33	1 Швейцария франки	1670,91	1 Россия рубли	53,33
1 АҚШ доллари	1626,30	1 Малайзия рингити	525,46	1 Евро	2259,78	1 Украина гривнаси	205,54

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Халқаро мутахассислар мавзуга оид фикр-мулоҳазаларни билдириб, бу борада Ўзбекистон эришган ютуқлар ва тўпланган тажрибани қайд этишди.

Хиндистонлик эксперт, «Политикал ивентс» журнали шарҳловчиси Дхар Мохан Кришненнинг таъкидлашича, мамлакатимиз демократияни ривожлантириш бўйича босқичма-босқич муҳим қадамлар ташламоқда.

— Президент Ислам Каримов сўз ва фикр эркинлигига катта эътибор қаратаётган, — деди у. — Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи, эркинлигини кафолатловчи қонунлар тизими яратилган.

Кўпгина давлатларда бундай тизим умуман мавжуд эмас. Қонун ахборот олиш эркинлигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам фуқаролар оммавий ахборот воситаларига ишонди.

АҚШлик мутахассис Виктор Якович масаланинг яна бир муҳим томонига эътибор қаратди.

— Аввало таъкидлашим керакки, Тошкентга келиб, бу шаҳарни мулоқот танимай қолдим, — деди у. — Илк бор собиқ тузум даврида, кейин 1994 йили Тошкентга келганман. Менинг тасаввуримдаги шаҳар бугунга қадар ўзгариб кетди. Мамлакатимизнинг пойтахти ҳақиқатдан ҳам дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланган.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари ҳам шу тарзда ривож топмоқда.

Давлат ҳар бир фуқароси ўз фикрини эркин билдириш ҳуқуқини кафолатлагани фуқаролик жамияти ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Чунки ҳокимият ва жамиятнинг ўзаро мулоқоти оммавий ахборот воситалари орқали бўлади.

Айрим мамлакатларда, жумладан, АҚШда ҳам ахборот олиш, журналистларнинг айрим тадбирларда ёки давлат идоралари мажлисларида иштирок этиши маълум чекловларга

# Кучли фуқаролик жамияти

## оммавий ахборот воситаларининг фаол иштироки орқали шаклланади

эга. Табиийки, бу ахборот олишда қийинчилик туғдиради. Ўзбекистонда эса бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ, бу очик мулоқотга кенг йўл очди.

— Оммавий ахборот воситалари воқелик ифодачиси бўлса, янги фикрлар ташиса, жамият тараққиётига хизмат қилади, — деди Самарқанд вилоятининг «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири Фармон Ташев. — Биз жамоатчилик назоратини таъминлаш учун жамоатчилик муҳбирлар фаолиятини кучайтиришга ҳаракат қилаёмиз. Улар воқеанинг ичидида юриб, газетани ахборот билан таъминлайди. Бундан ташқари, хатларга кенг ўрин бераёмиз. Унда фуқаролар ўз фикрини баён этмоқда. Матбуот эркинлиги шу, аслида.

Яқинда газета орқали вилоят ҳокимининг сиртки қабул кунини уюштирдик. Ҳоким тахририятга бўлган фуқароларнинг телефон орқали мурожаатларига жавоб берди. Биз эса бу мулоқотни газетамизда эълон қилдик. Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари учун махсус рунлар ташкил этганмиз. Улар ҳам фуқароларимиз саволларига газета орқали жавоб қайтариб боради. Мақсад — матбуот жамиятининг турли қатламлари орасида кўприк вазифасини бажарсин.

— Интернет журналистикасининг ривожини ҳам фуқароларнинг ахборот олиш эркинлигини таъминламоқда, — деди «gov.uz» ҳукумат порталини ривожлантириш ва ахборот таъминоти гуруҳи раҳбари Олимжон Умаров. — Давлат ҳокимияти тизими очик, ошқора фаолият кўрсатади. Ҳукумат портали эса бунга шартшароит яратмоқда. Йилдан-йилга



интернетдан фойдаланувчилар сони кўпаймоқда. Айниқса, мобил интернет имкониятлари кенгайиши бунга янада кенг йўл очмоқда. Бу эса ўз навбатида интернет журналистика-ни ривожини янги босқичга олиб чиқишни талаб этади.

Украинанинг амалий сиёсат институти директори Богдана Бабич сўз эркинлиги масъулият талаб этишини таъкидлади. Унинг фикрича, журналист учун ёпиқ мавзунинг ўзи йўқ. Ҳамма гап унга қандай ёндашишга боғлиқ.

— Айрим мамлакатларда ҳукумат оммавий ахборот воситаларини қаттиқ қўлга олиб олган, — деди у. — Бу эса охири-оқибатда коррупция, аҳолининг ҳукуматдан норозилиги кучайишига олиб келади. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари ташқаридан аралашув қонун билан чекланган, бу эса демократик жамиятнинг муҳим шартларидан биридир.

Российлик эксперт, жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассис Светлана Лисова матбуотда баҳс-мунозара бўлиши ниҳоятда муҳим эканига эътибор қаратади.

АҚШнинг миллий демократия институти директори Кларк Плаксико энг яхши журналист, энг яхши оммавий ахборот воситаси ҳолиси бўлишига интилади, дея таъкидлади.

Конференцияда партия матбуоти билан боғлиқ масалалар алоҳида муҳокама этилди. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети катта ўқитувчиси Саида Сулаймонова ўтган қарийб йигирма йил мобайнида партия матбуоти шаклланишини таъкидлади. Унинг фикрича, бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган туртта партиянинг нашрлари тақомиллашувини янги босқичга олиб келди. Ўз партияси, партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, мақолалар эълон қилмоқда.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов демократик жа- раёнларни чўқурлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этишда сиёсий партиялар ва уларнинг матбуоти фаоллиги, таъсирчанлиги муҳим аҳамиятга эга эканига эътибор қаратади.

— Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг ташкил этилиши, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучай- тириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партиялар ва уларнинг матбуоти учун кенг имконият берди, фаолиятини кучайтиришга сезиларли таъсир кўрсатди, — деди у. — Жорий йил бошида эса Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида Президент Ислам Каримов сиёсий партиялар ва уларнинг газеталари фаолиятини таҳлил этиб, танқидий фикрлар билдирди. Партия матбуотини партиялараро

баҳс-мунозара майдонига айлантириш зарурлигини ўқитди. Биз бу танқиддан сўнг иш фаолиятимизнинг асосий йўналишларини қайта кўриб чиқдик. Газеталаримизда партиялараро баҳслар жонланди. Аммо бу ҳали-ҳамон талаб даражасида эмас.

ЎзХДП ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдори сифатида ўз электорати — пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, вақтинча ишсиз ёшлар, тиббиёт ва таълим соҳаси ходимлари манфаатини ҳимоя этиб келаёпти. Партиямиз матбуотининг асосий вазифаси мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ютуқлар ҳамда камчиликлар, йўл қўйлаётган нуқсонларни ёритишдир.

Электоратни ташвишга солаётган муаммоларни ўрганиб, бу масалаларга ҳукумат тузилмалари ва жамоатчилик эътиборини қаратиш, электорат сиёсий маданияти, ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган баҳсларни кучайтириш энг

муҳим вазифаларимиздан бўлиб қолмоқда.

Яна бир масала. Мамлакатда ва хорижда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан сиёсий партиялар позицияси партия матбуотида ўз ифодасини топиши электорат ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади. Бу борада кейинги икки йил давомида яхши тажриба тўпланди. Бу масалага эътиборни янада кучайтиришимиз лозим.

Мамлакат Президенти партия газеталаридан дадил ва «тишли» бўлишни, танқидга, баҳс-мунозарага кенг ўрин ажратишни талаб этмоқда. Ана шу талаблар асосида ишчиликни янги босқичга кўтарсақ, жамият ҳаётида партия матбуотининг мавқеи янада кучайган бўлади.

Российлик профессор Галина Мельник, покстонлик мутахассис Сажжад Малик, хитойлик эксперт Чанг Бин фуқаролар учун ахборот олиш манбаларининг кўп бўлиши, ОАВ аҳоли барча қатламини қамраб олиши ниҳоятда муҳим эканига эътибор қаратишди. Уларнинг фикрича, ҳукумат ўзининг дастури, танлаган стратегиясини фуқаролар қанчалик қўллаб-қувватлаётгани оммавий ахборот воситалари орқали аниқлаб олади. Демак, давлатнинг турли масалалар юзасида тутаётган йўли оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик муҳокамасидан ўтади. Бу эса эркин жамият қуришининг муҳим шартидир.

Анжуманда ҳар бир мавзунини чуқур ёритиш, масаланинг асл моҳиятини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга экани айтиб ўтилди. Ҳар бир мавзу юзасидан баҳс-мунозара, савол-жавоб, фикр алмашув бўлди. Шу жараёнда халқорам ҳамда маҳаллий мутахассислар ўзаро тажриба алмашди.

Конференциядан сўнг ташкил этилган тренингларда гуруҳлар ОАВни янада эркинлаштириш ва ривожлантиришга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқишди.

Безҳод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



## ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан

# Энг муҳим вазифамиз ўғил-қизларни билимли ва ҳушахлоқ этиб тарбиялашдир

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон тарихи Давлат музейида ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаёл аёллар» қаноти ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг аҳамияти мавзусига бағишланди. Ички ишлар ва Халқ таълими вазирлиги «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, мутасадди ташкилотлар вакиллари, туман партия кенгашлари раислари ва «Истиқбол» ёшлар, «Фаол аёллар» қанотлари етакчилари иштирок этишди.

— Фарзандларимизни ҳар томонлама етуқ, соғлом ва ҳушахлоқ қилиб тарбиялаш бизга алоҳида масъулият юклайди, — деди ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти жамоатчилик кенгаши раҳбари Мухтасар Абдураҳмонова. — Бу борада аниқ механизм асосида иш олиб бориш гоётада муҳим. Ёшлар, айниқса, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уларни дин номидан иш кўрувчи бузғунчи оқимларга қўшилиб кетишдан, гийъавандлик ва ичкиликбозлик каби иллатларга ружу қўйишдан асраш чора-тадбирларини кўришимиз, иллатларнинг салбий оқибатлари ҳақида уларга тушуنча беришимиз зарур. Бу масалалар бўйича ЎзХДП ташкилотлари тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллаларда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этаямиз. Бугунги тадбир ҳам ана шундай амалий ишларимизнинг давомидир.

— Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун ижроси бўйича Ички ишлар идоралари аниқ режа асосида тадбирлар ўтказиб келмоқда, — деди Ички ишлар вазирлиги масъул ходими Исомиддин Холиқов. — Яқинда ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти жамоатчилик кенгаши раҳбари Мухтасар Абдураҳмонова. — Бу борада аниқ механизм асосида иш олиб бориш гоётада муҳим. Ёшлар, айниқса, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уларни дин номидан иш кўрувчи бузғунчи оқимларга қўшилиб кетишдан, гийъавандлик ва ичкиликбозлик каби иллатларга ружу қўйишдан асраш чора-тадбирларини кўришимиз, иллатларнинг салбий оқибатлари ҳақида уларга тушунча беришимиз зарур. Бу масалалар бўйича ЎзХДП ташкилотлари тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллаларда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этаямиз. Бугунги тадбир ҳам ана шундай амалий ишларимизнинг давомидир.

ноят содир этган. 2010 йилга келиб, бу кўрсаткич 379 тага камайди. Лексин битта бўлса ҳам, жиноят жиноят-да. Бунинг олдини олишга ҳар биримиз масъулмиз. Биринчи галда ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш зарур. Бунинг учун уларни турли тўғрақаларга, касб-ҳунар ўрганишга, умуман, фойдали машғулотларга жалб қилиш керак. Қолаверса, фарзандларимизда китобга меҳр уйғотиш лозим. Чунки китоб боланинг дунёқараши, билим доирасини кенгайтиради. Маънавияти, салоҳиятини оширади. Яхши-ёмонни англай олган бола ўзини ёмон иллатлардан асрайди. Шу сабабли яқинда «Ҳар бир болага уч китоб» акциясини ўтказдик. Бу тадбир ота-оналар ва тарбиячилар билан ҳамкорликда ташкил этилади, ҳар бир ота-она ойда бир марта фарзандига турли мавзуда учта китоб олиб берадиган, тарбиячилар эса бўш вақтларида ўқувчилар китоб мутолаа қилишини ташкил этадиган бўлади. Шунингдек, китоб тақдиротлари, «Энг яхши китобон» танловларини мунтазам ташкил этиб бораёмиз.

Бирон-бир бола ўз хоҳиши билан жиноят қўчасига қирмайди. Ҳеч бир ота-она фарзандининг ахлоқсиз бўлиб вояга етишини истамайди. Бола тарбияси қандай бўлиши аввало оиллага боғлиқ. Оила ёнида эса маҳалла, мактаб ва бошқа тегишли ташкилотлар туриши керак. Тадбирда билдирилган тақлифлар асосида муайян вазифалар белгилаб олинди.

Гулурух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## ЎзХДП: депутатлик гуруҳлари фаолиятдан Амалий ташаббус ва таклиф электорат манфаатига хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Таҳлиллар мазкур дастурлардан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришда муайян камчиликлар борлигини кўрсатди. Хусусан, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ажратилган маблағлар тўғри йўналтирилмаган, янги иш ўринлари яратиш бўйича мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаган. Шундан келиб чиқиб, камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ режа ишлаб чиқилди.

ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ўз фаолиятини янгилаш, янги замонага мос ва ҳамон тарзда ташкил этишга ҳаракат қилаёти. Депутатлар бевосита маҳаллалар ва меҳнат жамоалари билан ҳамкорликда ишлашга эътибор қаратмоқда. Бу эса ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар дуч келаётган муаммоларни амалий тарзда бартараф этишга имкон яратаяпти.

— Андижон шаҳридаги 22-умумтаълим мактаби биноси олдидаги кўчани асфальтлаш масаласига вилоят ҳокимлиги эътибори қаратилди, — дейди халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашига ЎзХДПдан депутат Одинахон Жасонова. — Муаммо ечимидан мактаб жамоаси ва худуд аҳолиси мамнун бўлди.

Халқ депутатлари Шаҳрихон туман Кенгаши партияимиздан депутат Камолитдин Ғолировнинг «Сувоқова» жамоаси билан ҳамкорликдаги ҳаракати туфайли «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини худудда ичкилик суви таъминотида юзага келган муаммо бартараф этилди.

Халқ депутатлари Асака шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи шаҳар ма-

даният ва спорт ишлари бўлими аҳоли ўртасида спортни оммавийлаштириш борасида қиладиган ишлар бўйича ҳисобот беришини ташкил этиди. Унда депутатлар амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳамда ўз тақлифларини билдиришди.

— Депутат — халқ вакили, — дейди Асака шаҳар партия кенгаши раиси, шаҳар Кенгаши депутати Мўйилжон Дадажонов. — У ўз ишида кўпчилик манфаатига мақбул фикр айтиши, муҳими, шу асосда ташаббус кўрсатиши, ўрни келганда уни қатъий ҳимоя қила олиши зарур. Шунда одамлар партияни қўллаб-қувватлайди. Депутат ишининг натижаси қишиларга наф келтиради.

— Хўжабод туманидаги «Барчиной» ишлаб чиқариш фирмаси ходимлари билан учрашувда уларни қийнаётган муаммо борлиги маълум бўлди, — дейди вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Абдумутал Абдуллаев. — Улар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш учун фойдаланилмаётган биналарни ижарага олиш масаласида ёрдам сўрашди. Масала ижобий ечим топса, 100 га яқин янги иш ўрни яратилишини айтишди. Шунинг учун бу масала юзасидан депутатлик гуруҳи номидан вилоят ҳокимлигига мурожаат этидик. Муаммо ўз ечимини топса, бу нафақат янги иш ўринлари яратиш, балки ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқилган маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳам хизмат қилади.

Энг муҳими, ана шундай ишларнинг самараси орқали одамларда депутатнинг ваколати ва хизматига ишонч уйғонади, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортади.

Аҳмадилов СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан қонунчилик ва ижтимоий адолатни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш жараёнида қабул қилинган қонунларни амалиётга таъбиқ этишдан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш доимий эътиборда. Бу йўналишда қабул қилинаётган пленум қарорларида суд, тергов органлари ва бошқа ваколатли идораларга амалдаги қонунларни тўғри таъбиқ этиш ҳақида тегишли тушунтиришлар берилмоқда. Бу ягона суд амалиётини шакллантиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Пленумда «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни гайритаъбиқий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарор лойиҳаси муҳокама этилди. Мазкур ҳужжатда инсоннинг жинсий эркинлигига оид ҳуқуқларининг ҳимоясини самарали таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур қарор ушбу масалага доир қонун меъёrlарини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аниқ ва бехато қўллаш билан бирга, ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилади.

Пленумда кўриб чиқилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.

## ЎзХДП: электорат манфаати Кишлоқ аҳолисига сифатли тиббий хизмат

Узун тумани худудиди 150 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Жойларда, айниқса, тоғ ва тоғолди кишлоқларда аҳоли саломатлигини асраш, ёш авлодни соғлом вояга етказиш учун кўп эзгу ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, саломатлик масканлари жаҳон талаблари даражасидаги замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланмоқда.

1998-2005 йилларда туманда бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкил этиш, шошилинч тез тиббий ёрдам тизимини яратиш ва бошқа талай дастурий ишлар қилинди. Натижада қисқа фурсатда 12 та кўркма кишлоқ врачлик пунктлари қад ростлади. Ҳозир 50 нафарга яқин тажрибали шифокор, худуднинг 12 минг нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. — Аҳоли саломатлигини яхшилашда, аввало, шифокорларнинг билим ва салоҳияти муҳим ўрин

тутади, — дейди туман марказий тиббиёт бирлашган касалхонаси бош шифокори ўринбосари Саломат Хайитова. — 2006 йили «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича 143 турдаги 12 миллион 215 минг сўмлик қийматга эга турли тиббий анжомлар ва асбоб-ускуналар келтирилди. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)




(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЯНГИЛАНИШ

Нукус шаҳридаги ўзгаришлар давлатимиз раҳбарининг номи билан беvosита боғлиқ. 1991 йилнинг декабрида бу ерга ташриф буюрган Президент Ислам Каримов шаҳарнинг кейинги тараққиёт йўлини белгилаб берди. Бу борада ўзининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шундан сўнг шаҳар ҳаётида тарихнинг зарҳал ҳарфлар билан битилган нури саҳифаси очилди. Бу, энг аввало, шаҳар қурилишида ўз ифодасини топди.

Дастлаб аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 243 километр узунликдаги Туя-мўйин — Нукус сув тармоғи қуриб ишга туширилди. Янги мактаблар, лицей ва коллежлар, болалар спорт мажмуалари, шифохоналар, жомеъ масжиди, мухташам Санъат музейи, замонавий турар-жой бинолари барпо этилди, кўркам хибонлар ва кенг, раvon йўллар шаҳар ҳуснига хусн қўшди. Бундан ташқари, Радио уйи, Бизнес маркази, Мемориал кўмитаси ва кўплаб банкларнинг маъмурий бинолари қад ростлади. Булар қаторига дастлабки кўшма корхона — «Катекс», Нукус ун комбинати, мрамар ва кабель заводлари, замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари қўшилдики, яхлит ҳолда улар шаҳар тараққиётига замин яратди. Айниқса, янги аср бошларига келиб, Нукус ҳақиқий бунёдкорлик майдонига айланди. Чунончи, Жўқорги Кенгес биноси ва Республика майдони шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартирди. Мамлакатимиз раҳбарининг тавсияси билан маъмур майдонда халқимизнинг мумтоз шоири Бердақ ҳайкали қад ростлади.

Амударё узра Нукус ва Хўжайли шаҳарларини туташтирувчи муаззам кўприк барпо этилди. Бугун у одамлар узоғини яқин қилмоқда. Шунингдек, «Навоий — Учқудуқ — Султон Увайистон — Нукус» темир йўли, «Ғузур — Бухоро — Нукус — Кўнғирот — Бейнов» автомобиль йўли қурилиши шаҳар ҳаётига ўзгача жўшқинлик бағишлади.



# Жайхун жавоҳири

## ёки муस्ताқиллик йилларида Нукус шаҳрида амалга оширилган беқиёс бунёдкорликлар ҳақида

### Дўстлик ШАҲРИ

2003 йилни Нукус аҳли ўзгача ҳаяжон ва кувонч билан эсга олади. Шу йили шаҳарнинг 70 йиллиги мамлакатимиз миқёсида кенг нишонланди. Айниқса, Президент



тимизнинг тантанали маросимдаги нутқи нафақат биз нуқулчиларни, балки бутун қорақалпоқ элини бирдек хурсанд қилди. Кўнглимиз тоғдек юксалди.

«Бугун биз навқирон Нукус шаҳрининг катта тўйини нишонлар эканми, бу шаҳар тимсолида Қорақалпоғистон диёрида рўй бераётган янгилашнилар, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, одамларнинг турмуш тарзида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида гапиришимиз табиий, албатта, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари Нукуснинг 70 йиллигида. — Бу ўзгаришлар, авваламбор, қорақалпоқ халқининг машаққатли меҳнати ва ғайрат-шижоати билан эришилаётган катта ютуқларда, шаҳар ва қишлоқлар, овулларнинг тобора обод бўлиб, республика ишлаб чиқариш салоҳиятининг юксалиб бораётганида, янги-янги ишюшотларнинг ишга туширилаётганида яққол намоён бўлади».

Мамлакатимиз ривожига кўшаётган катта хиссаси, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг кўплаб соҳаларида кўлга киритилган салмоқли ютуқлари, миллатлараро товушлики муостаҳкамлаш борасидаги хизматлари учун Нукус шаҳри «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.



### НУКУС — ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ МАРКАЗИ

Бу сўзларда ҳеч қандай муболага йўқ. Зеро, бугунги кунда шаҳарда мамлакатимиз Фанлар академияси, Бадий академиянинг



Қорақалпоғистон бўлимлари, Қорақалпоғистон давлат университети, Ўзбекистон тери-венерология, онкология, чорвачилик илмий тадқиқот институтларининг филиаллари, педагогика институти, Ўқитувчилар малакасини ошириш институти ва бошқа олий ўқув юртли фаолият кўрсатмоқда. Яқинда давлатимиз раҳбари Қорақалпоқ заминига ташриф буюрди, сафар давомида Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалини бориб кўрди, талабалар билан суҳбат қилди. Ҳозир ёшлар бу даргоҳда замонавий таълим стандартлари

асосида тўрт йўналиш бўйича илм-фан сирларини ўрганмоқда. Шунингдек, шаҳарда 43 умумтаълим, 2 спорт, 2 мусиқа мактаблари, кўплаб касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар мавжуд.

— Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган улкан ислохотлар биргина Нукус шаҳри мисолида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда, — дейди шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутати Сапарниёз Алланазаров. — Кейинги йилларда Мактаб таълимни ривожлантиришининг Давлат умуммиллий дастури асосида 35 та мактабда капитал ва жорий реконструкция ишлари олиб борилди. Улар замонавий ўқув жиҳозлари ва технологиялар билан таъминланди. Шу кунларда эса шаҳар марказида 12-Бадий хунар мактаби қурилиши, шунингдек, 1-болалар мусиқа ва санъат мактабиде реконструкция ишлари жадал суръат билан якунланмоқда.

— Нукусда касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш даражаси ҳам юқори, — дейди шаҳар ҳокимлиги иқтисодий бўлими бошлиғи Азамат Данияров. — Чунончи, 2008-2009 йилларда битирувчиларнинг 92,6 фоизи ишга жойлашган.

«Саманбой» кўрғонига 10-поликлиника фойдаланишга топширилди. Утган йилнинг ўзиде Республика иқтисослаштирилган ақушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг Нукус филиали 20 минг АҚШ доллари миқдориде тиббиёт асбоб-ускуналари, республика ОИТСа қарши даволаш маркази 22 миллион сўмлик тест тизимлари, республика қон куйиш станцияси 529 миллион сўм миқдоридеги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

— Ҳозирги кунда Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли даволаш-профилактика муассасалариде 335 нафар шифокор, чунончи, 26 та ақушер-гинеколог, 60 та терапевт, 96 та педиатр уч юз мингга яқин аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда, — дейди шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари Шолпан Қадиримбетова. — Муҳими, барча шифохона, поликлиника ва скрининг марказлариде тажрибали мутахассислар меҳнат қилади, улар ҳар қандай беморга аниқ ташхис қўйиши ва уни вақтида даволаши учун энг замонавий тиббий жиҳозлар билан ишлайди.

### ШУКРОНАЛИК

Кейинги йилларида шахримизда амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар киши кўнглини очади, ғайрат ва шижоат бағишлайди. Нукуснинг бугунги таровати Самарқанд, Бухоро ва Тошкент каби бетакрор шаҳарларимиз қатори сайёҳларни ўзига маҳлиё этмоқда. Энг муҳими, кишиларимизни янги марралар сари ундамоқда.

Албатта, шаҳарни шаҳар қилган бу улугвор ишлар юртимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимизнинг дунёда бошқалардан кам бўлмайдиган ҳаётга эришиш, чинакам буюк давлат, овоз ва обод Ватан, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги эзгу иштиёқи, фидокорона меҳнати туйғуланди.

Бугун Нукус катта имкониятлар манбаига, Жайхун жавоҳирига айланган. Шаҳар аҳлининг дастурхони тўқин, хонадони файзу барақага тўла. Шу боис, улар юртва ободлик, турмушга фаровонлик бағишлаётган оқилона сиёсат фидойиларига айланган...

Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

### Транспорт хизмати

■ Самарқанд шаҳрида 2009 йилдан транспорт хизмати кўрсатиш тармоғи ислоҳ қилина бошланди. Утган йили «Самарқандйўловчи-транс» шўъба корхонаси республика ҳукумати томонидан ажратилган 10 миллиард сўмлик лизинг маблағи эвазига Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган 200 та замонавий «Исузу» автобусларини харид қилган эди.

## Янги автобуслар

50 дан ортиқ йўналишлар бўйлаб аҳолига транспорт хизмати кўрсатаётти

Ушбу йўналишларнинг 22 тасида «Самарқандйўловчи-транс» шўъба корхонаси автобуслари ҳар ойда 2 миллион 400 минг нафардан ортиқ йўловчига сифатли хизмат кўрсатмоқда. Корхона жорий йилнинг 6 ойини 124 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Йилнинг 10 ойидаги соф фойда миқдори 170 миллион сўмдан ошди. Олинаётган даромад корхонанинг моддий-техник базасини муостаҳкамлаш, автобуслар харид қилиб, янги йўналишлар ташкил этишга қаратилмоқда.

— Бугунги кунда шаҳар йўналишлари бўйлаб ҳаракатланаётган автобусларда 426 нафар ҳайдовчи меҳнат қилмоқда, — дейди «Самарқандйўловчи-транс» шўъба корхонаси директори Одил Қамбаров. — Янги автобуслар билан шаҳар аҳолиси ва шахримиз меҳмонлари манзилларига етказиб

қўйилапти. Яратилган қўлайликдан йўловчилар мамнун. — Мен қарийб 30 йилдан бери ҳайдовчилик қиламан. Умримни шу соҳага бағишладим, — дейди 32-йўналиш бўйлаб қатновчи автобус ҳайдовчиси Бахтиёр Облоқулов. — Илгари «Икарус» автобуси билан аҳолига хизмат қилардим. Ҳозир мен бошқараётган, Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқилган «Исузу» русумли автобус ҳар жихатдан қўлай. Автобуснинг саломи анча кенг, уни бошқариш энгил. Эзгу ишлар ҳали давом этади. Транспорт хизмати жомоаси йил охирига қадар яна 4 та янги йўналиш ташкил этишни режалаштирган.

Ҳозирги вақтда шаҳарда 52 та автобус бекати мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси ягона дизайн асосида қурилган. Абдували ХУДОЁРОВ, Санжар САФАРОВ.

# Руҳият сабоғи

### Орамиздаги одамлар

■ Ҳаётда шундай одамлар бор, бутун умри эзгуликка йўғрилган бўлади, ўз касби корининг фидоийси бўлиб яшайди. Абдукарим ака ҳам ана шундай инсонлардан.



Тошкент Тиббиёт Академиясини тамомлаган ёш врач қишлоққа ишга юборилди. Тиббиёт соҳасида олган билимларини ҳаётга татбиқ этиб, катта тажриба орттирди, фан номзоди диссертациясини ҳимоя қилди. У Республика эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текириш институтида лаборатория мудири, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейи директори бўлиб ишлади. Эл орасида обрў топди.

Узингиз уйланг, яқин ўтмишда инсон руҳияти ҳақида гапириш, матбуотда чиқишга ҳамма ҳам ботинавермас эди. Кўп олимлар бу масалани ўз илмий кашфиётларида четлаб ўтардилар. Абдукарим Усмонхўжаев ўзининг фаолиятида бу соҳа бўйича илмий тадқиқот олиб борди. У аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданиятни оширишда инсонни руҳий соғломлаштириш муҳим аҳамиятга эга эканини тарғиб этиб келди. Олим ўз таж-

рибларини жамлаб «Руҳият»ни соғломлаштириш усуллари», «Кўнғил ҳаловати», «Мусликий муолажа», «Дорисиз қалб давоси» каби катор рисоалар ёзди, бу асарлар кўлма-кўл бўлиб ўқиб келинмоқда. Улар инсонни руҳий тетикликка ундайди, руҳиятдан сабоқ беради.

Академик Саиджалол Баҳромов: «Абдукарим Усмонхўжаевни биз, айниқса, табобат бобида, инсон руҳиятига тегишлича таъсир кўрсатиб, кўпгина хасталиклардан фориғ этишни ўзининг асосий бурчи деб билган ажойиб шифокор, деб тан оламиз», дея баҳо берган эди.

Атоқли шоиримиз Абдулла Орипов: «Уйлашимча, домла Абдукарим Усмонхўжаевнинг маъмур китобларида баён қилинган тавсиялар нанки тиббиёт соҳасида, балки инсоннинг руҳан ҳамда маънавий камол то-

пиши йўлида ҳам қимматга эга бўла олади», деб таъкидлаган эди.

Агар таъбир жоиз бўлса, у кишини ижодкор фан олими дейиш тўғрироқ бўлади. Зеро, унинг иштирокида яратилган 2 жилда «Тиббий терминлар энциклопедик лугати» ўзбек тиббиётинда катта аҳамиятга эга. «Инглизча-ўзбекча-русча фармацевтик лугат», «Муъжаз тиббий лугат», «Русча-ўзбекча тиббий сўзлашғич», «Русча-ўзбекча тиббий терминлар исроҳли лугати», «Ўзбек халқ табобати атамаларининг исроҳли лугати», «Этимология лугат»ларидан ўқувчилар кенг фойдаланади.

Олим ноширчилик соҳасида ҳам катта тажрибага эга. «Сихат-саломатлик» журна-лида маъсۇл котиб, «Мозийдан садо» журнаliga бош муҳаррирлик қилди. Айни пайтда Соғлиқни сақлаш ва-

зирлигининг «Ҳамшира» журналининг ижрочи директори вазифасида фаолият кўрсатаётти.

Биз одатда олимлар, зиёлилар, машҳур инсонлар ҳақида фикр юритганда, кўпроқ иш фаолиятига эътибор қаратишга одатланиб қолганмиз. Абдукарим ака қавми қариндошлар ўртасида меҳр-оқибат ришталарини муостаҳкамлайди, иссиқ-совуғидан хабар олиб туради, маҳаллада қандай тadbир ўтказилса, доимо ҳозир нозир.

Академик Абдулла Убайдуллаев: «Абдукарим ака катта ҳаёт фалсафасига эга инсон, одамоҳун ва дилкаш. Биз тиббиётчилар ҳаммага ҳам насиб этмайдиган бир фазилатни гоёта қадрлаймиз. Соғлом ҳаёт кечирини! Бу — айтишга осон. Аслида оила, маҳалла, иш жойида соғлом турмуш тарзини шакллантириш орқали одам, аввало, соғлом иқлим яратайди, атрофидоғиларга хуш кайфият улашайди. Абдукарим ака ана шундай фазилатга эга, шу боис саксон ёшда ҳам қирчиллама қирқ ёшдагидай тетик ва бардам, бир дунё орзу-хавас билан яшайпти...»

Ижодкор ва олим ўз асарларида инсон руҳий оламидаги гўзаллик, маънавий камиллик, оңиқўнғилчилик, самимият унинг узок умр кечирини, эзгу амалларни бажариши, дард келганда енгил, саломатлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди. Ҳаётда кўп кузатганимиз, бағрикенг ва покдамон, донишманд қарияларнинг руҳиятидан оппоқ нур таралиб туради, гўё. Орамиздаги яхшилик, эзгуликка эш бундай оим йўллари бизга ҳаёт доирлифунуни — руҳият соғлигидан сабоқ беради.

Абдурахим МАХСУМОВ

### Хорижда

## Маҳбуснинг касаллиги

уни ўлим жазосидан асраб қололмайди



■ Ироқ олий суди собиқ бош вазир ўринбосари, 74 ёшли қария Тарик Азизни ўлим жазосига ҳукм қилди.


Шунингдек, Ироқнинг собиқ президенти, марҳум Саддам Ҳусайннинг яна икки сафдоши — собиқ ички ишлар вазирини Саадун Шокир ва Саддамнинг собиқ шахсий котиби Обид Хамуд ҳам дорга ошиш йўли билан қатл этилаётган бўлди. Улар сиёсий муҳолифат вакилларини йўқ қилишда иштирок этганилида айбланмоқда.

Тарик Азиз 2009 йил мартда 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган эди. Ушунда унга 1992 йилги иқтисодий қамал пайтида озиқ-овқат нархларини оширишга ҳаракат қилган 42 кишининг қатл этилишида иштирок этган, дея айб қўйилган эди. Сўнг 2009 йил августда Т. Азизга яна 7 йил қўшимча муддат белгиланди. Бу сафар у 1980 йилларда мамлакат шимолида қурдларни қатагон қилганлиги айбланди.

Маълумки, Т. Азиз 1979 йилдан 2003 йилгача бош вазир ўринбосари ва ташқи ишлар вазирини лавозимларида ишлаган. Унинг қариндошлари ва адвокатлари Т.Азизнинг соғлиғи ўта ёмонлашганини боис уни озод этишларини сўраб қилган мурожаатлар бесамавр кетди. У жорий йилнинг январиде инсультни бошидан ўтказган.

## Радиацияда стериллаш

тажрибасиз қарши



■ Татаристон антиядро жамияти фаоллари Россия президенти Дмитрий Медведевга мурожаат этиб, Татаристонда ўтказилажак қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини радиацияда стериллаш тажрибасидан воз кечишини талаб қилди.

Уларнинг фикрича, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини радиацияда стериллаш лойиҳаси иқтисодий ўнчан катта наф келтириши мумкин, лекин келгуси авлодлар учун бу ўта хавфлидир.

«Независимая газета»да чоп этилган хабарда қайд этилишича, Татаристон илмий-амалий тажриба ўтказиладиган Россиядаги ягона худуддир. Бу тажриба синовдан муваффақиятли ўтгач, радиацияда стериллаш тадбири бутун Россия бўйлаб амалга жорий этилиши назарда тутилган.

Жорий йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нурлаш тажрибаси Татаристоннинг 7 та туманида ўтказилди, яъни бу туманлар махсус гамма қурилмалари билан таъминланди.

Ушбу гамма қурилмалари ёрдамида дон маҳсулотларига қисқа тўқинли электромагнит нурланишининг кичик «доза-сида» ишлов берилди. Гамма квантлари (юқори энергияли фотонлар) ҳосилни йўқ қилувчи, кемирувчи ҳашаротларни бутунлай қириб ташлайди. Агроаноат комплекси эса нитратли ўғитлаш ташвишидан тўлиқ халос бўлади. Бундан ташқари, гамма-стерилланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари узок вақт сақлансада, унинг таркиби умуман бузилмайди.

Гамма-стериллаш тарафдорлари бу усул ҳақон амалиётда аллақачон ўз самарасини исботлаганини таъкидлашмоқда. Аммо татаристонлик экологлар бу усулнинг ўз юртида синовдан ўтказилишига қарши чиқмоқдалар. «Гамма-стериллаш усули иқтисодий нукта назардан жуда катта фойда бериши бор гап, — дейди Антиядро жамияти раиси Альберт Гарапов. — Аммо негадир бу усулнинг келажакка кўрсатадиган тавсияридан қорчолонур кўз юммоқда. Радиация келажак учун оғир оқибатларни мерос қилиб қолдириши мумкин. Яъни оғир хасталиклар, генетик бузилишларни юзага келтириши эҳтимолдан холи эмас».

Экологлар нукта назарини Татаристон жомоатчилик маркази фаоллари, ижтимоий эколог уюшма аъзолари ва «Қарағай» экологлари ҳам қўллаб-қувватлашмоқда. Улар ҳозир тажрибига қарши бўлганларнинг имзосини йиғмоқда.

Тошкент шаҳар Яқкасарой туманидаги «NIGORA PLYUS JANON» (ОКОНХ 71280, ИНН 301556249) масъулиятга чекланган жамият ТУГАТИЛАДИ. Даво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун тел: 634-17-65.

«Республика қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмлар базасининг Бино ва ишюшотларига берилган 5-344/2005-сонли кадастр хужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

# «Ўзбекистонликлар медаллар учун курашади»

### пойтахтимизда ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди

Юртимизда қаторасига иккинчи мартаба ўтаётган бу нуфузли мусобақада қитъамизнинг энг кучли ўн олти терма жамоаси иштирок этмоқда.



Мусобақанинг «А» гуруҳида тўп сураётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси илк учрашувда индонезиялик тенгдошларини йирик 3:0 ҳисобида ютганди. Аммо иккинчи ўйинда вакилларимиз кутилмаганда Иордания футболчилари билан нурсиз дурангга (0:0) имзо чекишди. Шу боис, гуруҳдаги охириги учрашув ҳамюртларимиз учун муҳим аҳамият касб этарди. Тожикистон ўсмирлар терма жамоасига қарши кечган ўйинда Алексей Евстафеев шогирдлари мухлисларга чинакам голлар «шоу»сини тухфа этди. Унда ўсмирларимиз йирик ҳисобда ғалаба қозониш билан бирга, кейинги босқичга гуруҳ пешқадами сифатида йўлланма олиши — 8:1.

Ўйиндан сўнг Тожикистон терма жамоаси бош мураб-

бийи Зоир Бобоев журналистлар саволларига жавоб қайтараркан, қуйдаги фикрларни билдириб ўтди:

— Футболчиларингизни ушбу ғалаба билан табриклайман. Бугун улар биздан ҳар жабҳада устун келди. Мен чемпионат бошланмасданок ўзбекистонликлар финалгача етиб боради ва медаллар учун курашади, дегандим. Ўз жамоам ҳақида тўхтаганим бўлсам, Осиёнинг қирқ тўртта жамоаси ўртасида кучли ўн олтиликка киришга муваффақ бўлдик. Бу Тожикистон футбол учун ютук саналади. Чунки қитъамизда футбол кун сайин жадал ривожланиб бормоқда.

Гуруҳдан чорак финалга йўлланма оладиган иккинчи жамоа номи Иордания — Индонезия футболчилари учрашувда аниқланди. Унда 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган иорданияликлар кейинги босқичда тўп сурадиган бўлди.

Энди 1 ноябрь кuni чорак финал бахслари ўтказилади. Шу кuni Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси «В» гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган Сурия футболчиларига қарши майдонга тушади. Иорданияликлар эса ҚХДР вакиллари билан куч синашади.

# Чемпион ва совриндорлар

### бир тур қолганда аниқланди

Эртага мамлакат XIX миллий чемпионати бахслари ўз ниҳоясига етади. Йигирма бешинчи турнинг «Бунёдкор» — «Металлург» жамоалари учрашуви мамлакат чемпиони кимга насиб этишига ойдинлик киритиб берди.

Унда рақиблари устидан 2:1 ҳисобида зафар кучган «Бунёдкор» футболчилари қаторасига учинчи мартаба Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номни қўлга киритишди.

Мухлислар яна бир қизиқарли баҳсга Қаршида гувоҳ

бўлишди. Унда «Насаф» жамоаси олий лигада аутсайдерлар қаторидан жой олиб турган Тошкентнинг «Локомотив» вакиллари қарши майдонга тушди. Муросасиз кечган баҳсда Анатолий Деманенко шогирдлари меҳмонлар дарвозасига жавобсиз икки тўп

йўллашди — 2:0. Ушбу ғалаба қаршиликларнинг муддатидан илгари бронза медалларини қўлга киритишларини таъминлади. Бу «Насаф» жамоасининг олтинчи бронза медали ҳисобланади.

Қолган ўйинларда қуйдаги натижалар қайд қилинди: «Навбахор» — «Хоразм» — 4:1, «Андижон» — «Машъал» — 1:1, «Олмалик» — «Нефчи» — 0:1, «Қизилқум» — «Шўртан» — 3:1, «Динамо» — «Пахтакор» — 2:1.

Эркин ХОЛБОБ

# Вояга етмаганларга эътибор ва ғамхўрлик

### Тадбир

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасига қарашли Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида «Баркамол авлод йилида вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар» мавзусида брифинг бўлиб ўтди.

Ички ишлар вазирлиги томонидан ташкиллаштирилган тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимлари мазкур марказ фаолияти билан атрафлича танишдилар. Қайд этиш керакки, ўсмирлар ва ёшларни жиноят йўлига кириб қолишларидан сақлаш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳисобланиб, ички ишлар идораларининг энг муҳим вазифалари этиб белгиланган.

Бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар умумий аҳолининг 40 фоизини ташкил этмоқда. Ички ишлар идораларида ўтказилган ислохотлар жараёнида маҳаллаларда ташкил этилган милиция таянч пунктлари атрафида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун факультатив тўғараклар, кичик бизнес шохобчалари, спорт майдончалари барпо этилган. Бу ўз навбатида вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда ижобий самара бермоқда.


Шунингдек, қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида асосий эътибор ички ишлар идораларининг соҳавий хизматлари томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда «Ўқувчи», «Ўсмир», «Давомат», «Ғамхўрлик» ва бошқа шу каби профилактик-огоҳлантирув тадбирлари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, ёшларни ҳар хил зарарли таъсирлардан сақлаш, турли ёт оқимлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш мақсадида барча таълим муассасаларида ўқувчи-талабалар, қорхона-ташкилотларда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Амалга оширилган профилактик-огоҳлантирув тадбирлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 5,1 фоизга камайишига эришилди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда вояга етмаганларга доимий ғамхўрлик кўрсатиш зарур. Уларнинг таълим-тарбияси, соғлом бўлиб вояга етиши ҳамisha эътиборда.

Ровшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



# Нақшинкор тўсинлар

### тажриба

Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайгани сайин қурилиш маҳсулотлари тайёрлаш борасида ҳам изланишлар олиб борилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда бунёд этилаётган турли хил иншоотлар қаторида муқаддас қадим-жоларимиз ва обидаларимиз миллий қадриятларимизга мос равишда қайтадан таъмирланмоқда. Бунда ота-боболаримиздан мерос устоз-шогирд аъёнлари орқали ўтиб келаётган ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик каби касбларни эгаллаган ҳунармандларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.



Улар аъёнларимизни сақлаган ҳолда ишлаб чиқаришга замонавий усулларни жорий этишга ҳаракат қилишмоқда. Яқинда Бухоро мейморчилик мактаби вакили, қурувчи-муҳандис Шариф МИРХОНОВ темир-бетондан биноларга ишлатиладиган нақшинкор тўсин ва устунларни муштаҳкам полистиролдан ишланган қолиплар ёрдамида ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

— Қурилаётган ҳар бир ин-

шоотнинг муштаҳкамлиги ва қуркамлигини оширишда тўсин ва устунларнинг ўзига хос ўрни бор, — дейди у. — Шуниси эътиборлики, кейинги йилларда миллий мейморчиликимизни ўзида акс эттирган ҳолда, арзон, сифатли ва рақобатбардош қурилиш маҳсулотларининг қўллаб турлари ўзимизда ишлаб чиқилмоқда. Ана шундай маҳсулотлар бунёдкорларимизга қўл келиб, ички бозорларимизда ўз харидорларини топиши баробарида буюртмалар асосида хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Ёғочдан ясалган тўсин ва устунларга қўлда нақшлар солинганлиги боис кўпроқ иш кучини талаб этади. Биз ишлаб чиқараётган қалинлиги 20 см дан 40 см.гача бўлган темир-бетон тўсин ҳамда устунларимиз иншоотларда ишлатиладиган бўлса, иқтисодий тежамкорлик билан бирга, иш ҳажми ҳам камайди. Чунки бизнинг нақшинкор кўринишдаги маҳсулотларимизни тартиб билан қўйиш кифоя. Қолаверса, улар темир-бетондан бўлгани учун муштаҳкам, узок вақт емирлимайди. Ёғоч устун-тўсинларга ўхшаб маълум муддатда алмаштирилмайди.

Унинг фикрича, бундай янгилик қурилиш харажатларини камайтиради, бино муштаҳкамлигини таъминлайди.


Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

# «Янги авлод — 2010»



# Ёш истеъдодлар кўриги

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорликда ташкил этган «Янги авлод — 2010» болалар ижодиёти фестивалининг Жиззах вилояти босқичи бўлиб ўтди.



Юнус Ражабий номидаги вилоят мусикали драма театрида ва Жиззах санъат коллежида мунотоз кўшиқчилик, вокал ва миллий қолғу асбоблари ижрочилиги, рақс, тасвирий ва амалий санъат, бадий ижод йўналишлари бўйича ўтган фестивал ҳақиқий санъат байрамига айланди. Мазкур фестивалга ёшлар ўртасида қизиқиш тобора ортиб бораётган «Бу йил Жиззах вилоятида мазкур тадбирга 3 мингта ариза тушди ва иштирокчилардан 700 нафарга яқини вилоят босқичида ўз маҳоратини намойиш этди.

Фестиваль қатнашчилари орасида қишлоқ ёшларининг қўлиги жойларда навқирон авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши учун барча шароит яратилаётганидан, таълим-тарбия ишлари савияси юксалиб бораётганидан далолат беради. — Дарсдан бўш пайтларимизда мактабимиздаги тасвирий санъат тўғрагида мусавирлик сирларини ўрганяман, — дейди Бахмал тумани Новқа қишлоғидаги 8-мактаб ўқувчиси Моҳичебра Очилхонова. — Келажакда ушбу санъат сирини пухта эгаллаб, юртимга муносиб фарзанд бўлиш — энг катта орзумим. «Янги авлод» фестивали билим ва маҳоратимни ошириш борасида янада кўпроқ ишларга ундамоқда.

Уз йўналишлари бўйича ғолиб чиққан 12 нафар истеъдодли ёшлар фестивалнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Т. БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

Пойтахтимиздаги Озарбойжон маданият марказида ҳайкалтарош Эйнулла Алиевнинг хотирасига бағишланган кўргазма ташкил этилди. Унда ҳайкалтарош асарларидан намуналар намойиш қилинди.

# Ҳайкалтарошни хотирлаб...

Эйнулла Алиев Озарбойжонда туғилган бўлса-да, бутун умри давомида Ўзбекистонда яшади ва юртимизда ўз ижодий ишларини яратди. У пойтахтимиз кўрғида кўрк қўшиб турган Алишер Навоий бобомизнинг ҳайкалин яратишда иштирок этди, Тошкент метрополитенининг ички станциясини ва юртимиздаги бошқа қўллаб бинолар қурилишида, уларнинг декоратив жиҳозланишида фаол қатнашди. Бугунги кунда унинг асарлари юртимиздаги нуфузли музейлардан муносиб ўрин олган.

— Ёшим ўн еттида, Республика рассомчилик коллежининг учинчи курсида ўқияман, — дейди ҳайкалтарошнинг набираси Роҳила Алиева. — Бобоминг ишларини давом эттириш ниятидаман. Ҳозирги кунгача талай расмлар чиздим. Мен Эйнунла Алиевнинг набираси деган номга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан.

Кўргазма Озарбойжоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ўзбекистон Бадий академияси ва Эйнунла Алиев ижодининг мухлислари томонидан уюштирилди.

Темур АЪЗАМ

# «Заводча» фош бўлди

### Қинғир иш — келтирар ташвиш

Денов шаҳрининг «Самарқанд» кўчаси 79-уйда истиқомат қилувчи Абдужалил Шафуров кутилмаганда «ишбилармон» чиқиб қолди.

Қирқ ёшни қаршилаш арафасида турган қирчиллама йигит ўз уйда «заводча» очиб, хуфёна цехда турли хил конфет ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Тезкор маълумотлар асосида унинг хонадонига текшириш ўтказилди. Шунда бу уйда инсон ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсир этувчи талай маҳсулотлар сақланганлиги аниқланди. Жумладан, «Молочный», «Кофейный», «Бура-тино» каби 435 килограмм конфет ҳамда 7 та идишдаги 267 кило ширинлик қиёми

истеъмолга мутлақо яроқсиз эди. Электрон тарози, елим халтани тайёрловчи махсус асбоб — жами 1685,0 минг сўмлик маҳсулот далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Маълум бўлишича, Абдужалил Шафуров мутасадди идоралар томонидан бериладиган махсус сертификатни ҳам қалбақлаштирган экан. Айни кунларда мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ва тергов ҳаракати олиб борилмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

**BOSH MUHARRIR:**  
Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY'ATI:**  
Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV  
Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Ta'ayana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
G'affer HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Muslihidin MUHIDDINOV  
Andrey KUSTOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**  
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO'LIMLAR:**  
Partiya hayoti 233-10-13  
Madaniyat va sport 233-69-45,  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55  
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56  
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80  
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

**VILOYAT MUXBIRLARI:**  
Andijonda — 25-32-70  
Buxoroda — 223-06-02  
Gulistonda — 25-46-45  
Jizzaxda — 227-48-35  
Navoiyda — 223-83-73  
Namanganda — 226-43-81  
Nukusda — 222-77-21  
Samarqandda — 35-02-55  
Urganchda — 517-30-58  
Farg'onada — 224-18-78  
Denovda — 8-37641-23-780

**MANZILIMIZ:**  
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Dilshod NARZULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonano manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taqob.

Gazeta shehna, pashnaba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 949  
7710 nusxada bosildi  
T — Tijorat materiallari  
ISSN 2010-7633  
O'ZA yakuni — 21.35  
Topshirilgan vaqti — 23.20  
1 2 3 4  
Sotuvda erkin narxda